



QAROR

№ 213-к

2008 йил " 2 " июн

Оқдарё туман омухта ем, шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган бирлашма маъсулияти чекланган жамиятига омухта ем, шрот ва шелуха сотиш шахобчаларини қуриш учун ер участкаси ажратиш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 5,23,27-моддаларига ва «Шахарсозлик» кодексининг 38,52,53 моддаларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21-апрелдаги ПК-842-сонли «Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хужаликларида чорва моллар қупайтиришни рағбатлантиришни қучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қушимча чора тадбирлар тугрисида»ги қарори, Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24-апрелдаги 03/1-348-сонли хатини ва Самарқанд вилоят ҳокимининг 2008 йил 24-апрелдаги 57-К сонли қарори ижросини ҳамда шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хужаликларида чорва молларни янада қупайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини гушт-сут махсулотлари ишлаб чиқаришнинг усишини ошириш, ички истеъмол бозорининг тулдирилишини таъминлаш мақсадида ва туман ҳокислиги ҳузуридаги ер ажратиш (реализация қилиш) буйича доимий ишловчи комиссиясининг 2008 йил 31-майдаги ҳулосасини, Фуқаро Қаршиев Шодининг 2008 йил 30-майдаги розилик хатини ва Оқдарё туман омухта ем, шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган бирлашма маъсулияти чекланган жамиятининг суровномасини инобатга олиб,

КАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимининг 2008 йил 24-апрелдаги 57-К сонли қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.
2. Оқдарё туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер ажратиш (реализация қилиш) буйича доимий ишловчи комиссиясининг, Оқдарё туман омухта ем, шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган бирлашма маъсулияти чекланган жамиятига омухта ем, шрот ва шелуха сотиш шахобчаларини қуриш учун туманнинг 3.М.Бобур номли массиви ҳудудидаги 32-контурдан 1-шаҳобчага 0,02 гектар, 295-контурдан 6-шаҳобчага 0,02 гектар, А.Темур номли массиви ҳудудидаги 88-контурдан 2-шаҳобчага 0,02 гектар, «Янгикургон» массиви ҳудудидаги 114-контурдан 4-шаҳобчага 0,02 гектар, М.Улугбек номли массиви ҳудудидаги 90-контурдан 5-шаҳобчага 0,02 гектар, «Гулистон» массиви ҳудудидаги 233-контурдан 7-шаҳобчага 0,02 гектар, «Самарқанд» массиви «Қумушкент» массиви ҳудудидаги 93-контурдан 8-шаҳобчага 0,02 гектар қишлоқ хужалигида фойдаланилмайдиган ердан ажратиш тугрисидаги 2008 йил 31-майдаги ҳулосаси тасдиқлансин.
3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (С.Абдурахмонов)га ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (А.Жалолов)га ер майдонини жойида далолатнома тузиб ажратиш ва меъморчилик талаблари асосида қурилишини назорат қилиш ҳамда ер ҳисоботига тегиши узгартириш қиритиш топширилсин.
4. Оқдарё туман омухта ем, шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган бирлашма маъсулияти чекланган жамиятига омухта ем, шрот ва шелуха сотиш шахобчаларини қурилиши учун ажратилаётган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар қурилиш ишларини бошламаслик ва ундан фойдаланишга қиришмаслик вазифаси топширилсин.
5. Туманда омухта ем, шрот ва шелуха сотиш шахобчаларини қурилишини бир ой муддатда сифатли ва лойиҳа асосида қуришни ташкил этиш учун ишчи штаби тузилсин ва ишчи штаби иловага асосан тасдиқлансин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Ш.Нарзиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:-

Н.Бердибоев